

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ


Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 72 (65948)
1996 йил, 2 октябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда


МАКТАБНИНГ ТҮЙИ БҮЛДИ

Мактабнинг ҳам туйи буларканми, деяётгандирсиз? Булганда қандоқ! Шайхонтохур туманидаги С.Айний



ва бугундан сўзловчи деворий газеталар, кургазмалар. Кекса муаллимлар, собиқ битирувчилар, ота-оналар қадрдон мактабларини юбилей билан қутлагани келишди, уқувчиларга унинг тарихига оид қизиқарли ҳикоялар сузлаб беришди.

1934 йили Беш Ёғочдаги «Комсомол кули» қурилиши муносабати билан шу атрофдаги дуконлар, уй-жойлар, мактаб ва боғчалар бузилиб, янги қурилишлар қаторида С.Айний номли мактаб ҳам қад ростлади. 1935-36 йилларда илк бор уқувчиларни ўз бағрига олган мазкур мактабнинг қиефаси ҳозирги кунда таниб булмас даражада узгариб кетган. Мактабга узоқ йиллардан буён Мирҳамид ака Мираҳмедов раҳбарлик қилиб



келяптилар. Замонавий типда қурилган бинода 2000 га яқин уқувчи таҳсил олади. Компьютер синфлари, махсус лицей синфлари ташкил қилинган, фан тўғараклари мунтазам ишлаб турибди. Катта-катта иккита спорт зали, муъжазгина музейи ҳам бор. Иқтидорли, билимга чанқоқ уқувчилар талайгина. Дарвоқе, юртбошимизга мактуб йуллаган 12 ешли талаба Муродмирза Шарипов ҳам айнан шу мактабда таҳсил олган. Ярим асрдан буён уқувчиларга математика фанидан сабоқ бериб келаётган Ҳақима опа Обидовани «устозларнинг устози» дея эъзозлашади.

30 дан зиёд шоғирдлари ҳам опа билан ёнма-ён ишлаб келишяпти. Ораларида 4-5 нафари олий тоифали уқитувчилардан. Илмий булим мудир Шохиди Зиёмухамедова, математика фани уқитувчиси Дилором Орипова, бошланғич синфлар уқитувчиси Василя Юнусова, жисмоний тарбия мураббийси Рустам Мамедовлар устозлари пандунасихатларига амал қилиб, кам булишаётгани йўқ. Билимли, изланувчан, ўз касбининг фидойилари булмиш шоғирдларига боқиб, Ҳақима опанинг дили фахр ва ифтихор туйгулари билан тулиб-тошади. Фарзандларимиз таълим-тарбияси ишончли қулларда эканлигига шукроналар айтади.



Меҳр-мурувват улашайлик

УЛАР МЕНИНГ ДУГОНАЛАРИМ

— Нодира, мактабимиз муъолишидаги хонадонда ҳам кекса бир отахон ёлғиз яшар эканлар. Бугун дарсдан кейин уларникига бориб, ҳолларидан хабар олиб келмаймизми? — деди Ноила дугонасига.

— Албатта борамиз, дукондан иссиқ нон ҳам олиб кетамиз...

Бу дастёр дугоналар бизнинг мактабимизда уқишади. Болалар ва усмирлар уюшмасининг «Она юрт йуналиши» буйича ибратли ишларни амалга ошириб келаётган қизлар улар. Мактаб атрофида яшовчи уруш фахрийлари, афгон уруши иштирокчилари, ёлғиз қолган кексаларни оталиққа олишган. Уй-рузгор юмушларида, бозор-учар ишларида кумаклашишади. Байрам ва тантаналарда йўқлаб, совғасаломлар улашишади, концерт дастурлари намоиш этиб, уксик дилларга қувонч бағишлашади. Уларнинг ҳаёти, жанггоҳлардаги матонатлари ҳақида маълумотлар туплаб, кургазмалар ташкил қилишади.

БИЛИМЛАРИНИ СИНАБ ҚЎРИШДИ

Мактабимизда бирор тадбир ва тантана утказилмайдиган кун йўқ ҳисоби. Яқинда 8-синф уқувчилари «Маҳалладан бошланар Ватан» мавзуида кеча уюштирдилар. Унга маҳалла оқсоқоллари, меҳнат ва уруш фахрийлари меҳмон бўлиб келишди. Кеча иштирокчилари мактабимиз, маҳалламиз, қишлоғимиз, қолаверса, Яйпан шаҳримиз тарихига оид савол-жавоблар билан бир-бирларининг билимларини синаб қуришди. Тарих фани уқитувчимиз Сойибжон ака Раҳмонов ва етакчимиз Ҳафизахон опа Маҳмудовалар томонидан уюштирилган кеча йигилганларга манзур булди.

Азизахон СОДИҚОВА,
Фаргона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 24-мактаб уқувчиси.



Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг 5 йиллик байрамини зур қувонч билан кутиб олдик. Озод ватанимизда байрамлар кўпайса қандай яхши. Юртбошимизнинг маънавият ва маърифатимизни янада чуқурлаштириш йулидаги жонқуярлиги туфайли 6 октябрь ҳам байрамлар сафига қўшилди. Яъни ўқитувчилар куни деб эълон қилинди. Тугри-да, бизга маънавият хазинасини ургатувчи ўқитувчиларимизнинг меҳнатини эъзозлаш қандай яхши. Мустақил Ўзбекистонимиз уз эркини қулга киритгандан бери жуда кўп хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини урнатди. Мен жуғрофия фанини жуда яхши ўзлаштириб олганман. Ўзбекистонимиздаги шаҳарлар, вилоятлар қасрда жойлашганлиги, уларнинг об-ҳавоси, аҳолисининг жойлашуви,

ЮРАКНИНГ ТАБИАТИ

қандай завод ва фабрикаларга, конларга эга эканлиги ҳақида яхши маълумотга эгаман. Бундан ташқари Ўзбекистонимиз билан дўстлик алоқалари урнатган хорижий мамлакатларнинг янаша тарзи табиати ҳақида кўп нарсаларни ўрганиб олдим. Менинг жуғрофия фанига қизиқшимда жуғрофия фани ўқитувчимиз Қурбон Ҳамзаевнинг хизматлари жуда катта. Биз синфдошларимиз билан жуғрофия дарсини интизорлик билан кутамиз. Чунки бу фан жуда қизиқарли. Қурбон ака ҳар бир мавзунини янада қизиқарлироқ ўтишга ҳаркат қилади. Ўқитувчимиз дарс вақтида видеофильмлардан, карталардан ва кургазмали воситалардан фойдаланадилар. У киши дарсни шунчалик завқ-шавқ билан тушунтирадиларки, биз беихтиёр узимизни бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қиламиз.

Қурбон Ҳамзаев жуда жонқуяр устоз. У киши мактабимиз директори бўлгани учунми, мактабнинг ободлиги, ўқувчиларнинг ўтқир билимга эга бўлишлари учун тинмай жон куйдиради. Қурбон ака наинки жуғрофия фани, балки инсон юрагининг табиати, маънавияти ҳақида ҳам чуқур сабоқ берадилар. Биз мана шу эзгу сабоқларни эгаллаб, озод ватанимизнинг ёруғ келажагини яратувчи баркамол инсонлар бўлишга ҳаракат қиламиз.

Мен ўқитувчилар куни билан барча устозларимизни ва юракка яқин меҳрибон устозим Қурбон Ҳамзаевни чин дилдан қутлайман. Ватанимизнинг буюқ келажагини яратиш йулида тинмай хизмат қилаётган устозларимиз ҳаминша саломат бўлишсин.

Акрамжон МАМАТМУРОДОВ,
Денов туманидаги
11- мактабнинг 9-синф
ўқувчиси.


Сурхондарёдан ёзадилар

БИЗ ТИНЧЛИК ЎЛКАСИДА ЯШАЙМИЗ

Мен Денов туманида яшайман. Мпрзо Турсунзода номли 11-мактабнинг 5-синфида ўқийман. Мактабимиз, синф хоналаримиз чиройли. Ўқитувчиларимиз меҳрибон, бизга Тожикистон республикаси жуда яқин. Душанбеда бўлаётган уруш мени жуда хавотирга солади. У ерда қийналиб яшаётган тенгдошларимнинг тақдирини уйлайман. Уларга ҳозир ўқиш ва яшаш жуда қийин. Душанбеда ҳар куни одамлар келиб озиқ-овқатлар харид қилиб кетадилар. Улар билан бирга кичкина болалар ҳам қўшилиб келади. Қўлларини ўзлари билан тенг юк қопларни зўрға кутариб кетаётган тенгдошларимни кўрсам, юрагим эзилади. Уларга ёрдам бергим келади. Биз яқинда синфдошларимиз билан пул тўплаб Душанбедаги 15-мактабда таълим олаётган тенгдошларимизга юбордик. Тинчлик ва фаровонлик улкасида яшаётган биз ўзбекистонлик болаларга бутун дунё болалари ҳавас қилса арзийди. Мустақиллигимизнинг таянчи бўлган тинчлик руҳи мангу барқарор бўлиши учун биз ватанимиз келажагини асрай оладиган баркамол инсонлар бўлиб етишмоғимиз даркор. Бунинг ягона йўли — ақилликда, яхши ва аъло баҳоларда ўқишдадир.

Биз синфдошлар жуда ақилмиз. Синфимизнинг аксарияти қизлар. «Тонг юлдузи»ни яхши кўрамыз. Тенгдошларимиз ёзган шеърлар, мақолалар, ҳикояларни севиб ўқиймиз. Аммо бизни виждошларимиз чеккароқда бўлганлиги учунми «Тонг юлдузи»ни барча сонларини олопмаймиз. Биз бу йил «Тонг юлдузи»га обуна бўлмоқчимиз. Обуна бўлишдан мақсадимиз: бундан сўнг «Тонг юлдузи» газетаси билан бевосита мулоқот-

да бўлмоқчимиз. Яқинда телевизорда бу газета ҳақида «Ёш мухбирлар» тўғараги иш бошлаганини кўрсатиб қолди. Буни кўриб роса хурсанд бўлдим. Чунки анчадан буён худди шундай тўғаракка аъзо бўлиш ниятида юргандим. Дугоналарим Асила, Нодира, Ферузлар ҳам аъзо бў-



ЭНГ ЯХШИ СОВГА

Анваржон ўқитувчилар байрами арафасида Устозларига «Нима совга қилсам экан?» деб роса уйлади. Аъло баҳоми? Яхши. Намунали ҳулқми? Буям яхши. Йўқ бу фазилатлар жуда кўп шогирдларга хос. Шундай совга бўлсинки, буни курган устозлар: «Бу ҳақиқий ватанпарвар, уз тарихи, уз юртини жон-дидан севувчи шогирд тайёрлаётган эканман» дея қувонсин, фахрлансин. Ниҳоят топди. Бу — Амир Темур бобокалонимиз туғилган маскан, яқинда бўлса, буюқ юртбошиси, улуг Президентининг Олий фармони билан «Амир Темур» орденига сазовор бўлган яшил шаҳри миноралари, қадимий меъморчилик анъаналарини узид ақс эттириб қурилган Шаҳрисабз жамолини куз-куз қилиш эди.

У чизди. Ҳар бир чизиқ изида гузал Ватанга меҳр-муҳаббат бор эди. У чизди. Қалам изларида устозларидан олган билим ҳамда уларга ҳурмат-эҳтиром барқ урарди. Шаҳрисабз шаҳридаги 13-мактаб ўқувчиси Анваржон Жумаев ана шунақа — келажаги буюқ Ватанимизнинг муносиб, қули гул фарзанди бўлиб тарбияланапти.

лишмоқчи. Бундан буён биз мактабимиз ва туманимиз мактабларини ҳақидаги хабарлар, қизиқарли воқеаларни, шеърларимизни «Тонг юлдузи» газетасига, тўғрироғи, «Ёш мухбирлар» тўғарагига жўнатмоқчимиз. Яна шу газета орқали кўп дўстлар орттириш ниятидамыз.

Фарида МАМАТМУРОДОВА,
Денов туманидаги
М.Турсунзода номли
мактаб.

Истиқболимиз фидойилари

Мен адабиёт дарсини орзиқиб кутаман. Ўқитувчимиз Муҳтарамой Раҳматуллаева синфга кириб келганларида хонамиз ҳам, кунглимиз ҳам ёришиб кетади. У киши ҳар бир дарсни шундай мароқ билан ўтадиларки, биз болалар ҳар бир ҳикоя, шеърнинг ўқитувчимиз бошлаган гузал ва бетакрор оламига шунгиб кетамиз.

Ўқитувчимиз биз билан худди уз тенгдошдай яқин ва самимий ҳурмат билан муносабатда буладилар. Шеърларни кўпроқ ёд олиб, қизиқарли китобларни ўқиб, таассуротларимиздан гапириб бериб, ўқитувчимизни хурсанд қилишни жуда яхши кўрамыз. Айниқса иншо

ёзаётганимизда барчамиз бир-биримиздан яхшироқ фикрлар билдиришга ва тезроқ ўқитувчимиз фикрини билишга қизиқамиз. Негаки, ўқитувчимиз бизнинг ёзган иншоларимизга жуда катта эътибор берадилар. Ҳар бирингиз иншони эркин ва фақат фикрларингизни билдириб ёзишга ҳаракат қилинг. Инсоннинг уз сузи, узининг мустақил йули ва қудрати, ишончи булиши керак, дейдилар.

Менга бу гаплар жуда ёқди. Узоқ хаёлга толаман. Ростдан ҳам ҳар бир одам узига ишонса, мустақил фикрлаб, ҳаракат қилсагина давлатимиз қудратига қудрат қў-

КўНГЛИМИЗ ЁРИШИБ КЕТАДИ

шилса керак.

Мен бу фикримни ўқитувчимизга айтсам, улар қувониб кетдилар. «Жуда тугри уйлабсан, инсон қанчалар кўп ўқиса, билим олса, у шунчалар озод ва улугвор инсон бўлиб улғаяди», дедилар елкамга қоқиб. Дарҳақиқат, маънавиятсиз келажак бўлмайди. Биз ёшларнинг бугунги маънавий даражамиз, қудратимиз, истиқлолимизни эртанги кунимиз истиқболини белгилайди.

Бизнинг истиқболимиз фидойилари муаммо муаллимларимиз эса келажак пойдеворини бунёдкорларидир. Албатта уларнинг бунёдкорлик ишлари барча масъулиятли вазифалардан кўра масъулиятлироқдир. Бу масъулият йулида тинмай хизмат қилаётган барча устозларни яқинлашиб келаётган байрам билан табриклайман.

Мадина АКБАРОВА,
Фарғона вилояти,
Учкўприк тумани,
20-мактаб.

Юртимиз спорти тобора дунё миқёсига чиқаётгани сиз болаларга ҳам маълум. Яқинда Германияда ўтказилган профессионал бокс буйича жаҳон чемпионати фикримиз

АРТУР ГРИГОРЯН— ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

далилидир. Бу мусобақада юртимиз спортчиси Артур Григорян уз рақибини иккинчи раунддаёқ маглубиятга учратиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. Куни кеча шу воқеа билан боғлиқ хушxabар олдик. Президентимиз фармонига кўра Артур Григорянга «Меҳнат шухрати» ордени, унинг устози Владимир Шинга «Дўстлик ордени» берилди.

«Ватан сен саждагоҳ каби муқаддас,
Чулпону Фитратнинг сўнги сўзисан,
Зумрад қор, бағрида бойчечак

нафас,
Хазрат Навоийнинг «Қаро кўзи» сан.
(Очил Тоҳир).

Инсон ҳаминша энг муқаддас тушунчаларга сажда қилиб яшайдиган мавжудотдир. Оллоҳ унга ақлу идрок берган экан, одамзод Худонинг қудратига ва ягоналигига иймон келтиради.

Ҳа! Оллоҳ ягона ва шунинг учун ҳам муқаддасдир, она ягона ва шунинг учун ҳам муътабардир. Инсон бир марта дунёга келади, шунинг учун ҳам унга ҳаёт ширин туюлади. Бу дунёда ягона нарсалар инсон учун муқаддасдир.

Мен туғилиб усган юрт — менинг Ватанимдир. Инсон учун туғилган макон — Ватан экан, унга булган меҳр-муҳаббат шу табаррук замин остонасидан бошланади. Мен учун эса Ватан бу аввало ота-онам, синглим, укам, яқинларим, мен яшаётган маҳалла, мен ўқитган мактабдир.

Агрофдаги бизни ураб турган нарсаларнинг купини Ватан тимсоллари деб атагим келади. Шоҳимардон тоғлари гузаллиги билан барчани лол қилади, Ватаним шу тоғлар каби улугвор. Оқсуву Куксувлар шариллаб оққанда дил қувончга тулади; Ватаним шу сойлар каби мусаффо булишини жуда-жуда истайман. Юртимизнинг келажаги Бухоро олгинидай ярқироқ, унда яшайдиган инсонлар тақдир эса, Наманган олимпиади Сурхондарё хурмолари каби ширин булишини хоҳлардим.

Улкамиздаги ҳар бир нарсаси, ҳар бир жонзот; бир қурган уясига ҳар йили қайтиб келиб бола очадиган қалдирғочлару ҳар тонг оламга тароват ва ёруғлик улашадиган куёш мен учун Ватанимнинг муқаддас тимсолларидир.

Кимлардир уз Ватанини севиб яшайди, яна бошқалар эса унинг равнақи учун уз умрини бахшида этади, яна бошқалардир тақдир тақозоси билан Ватандан йироқда яшайдилар ва қалблариди Илоҳийдан сўнг Ватани олиб юрадилар.

Ёши, касби, миллати, ҳаёт йулидан қатъий назар, одамларни жипслаштирувчи илоҳий куч — бу Ватан муҳаббатидир.

Азиз инсонларнинг азиз Ватани
Қиблагохим, Каъбам — муқаддас
диёр.

Бизга табаррук деб шу юртининг
шаъни

Қанча жонлар ўзин айлаган нисор.

Ҳа! Ватанга булган муҳаббат инсонлар қалбида яшар экан, одамзод буюк ишларни амалга оширишга қодир булаверади. Ватан муҳаббати Навоийни «Гурбатда ғариб шодмон булмас» лигига ишонтирди. Эҳтимолки, туркий бустоннинг ноёб гудастаси булмиш «Хамса»нинг, Луғатлар муҳокамасининг ёзилишига асосий сабаб она тилига ва жонажон элга булган эътибор ва муҳаббатдир.

Ҳаттоки, бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурдай жаҳонгир фотиҳ ҳам Ватан муҳаббати олдида бош эгган эди. Юртининг қудратини оламга курсатиш мақсадида Темурнинг умри юришларда утди. Унинг учун асосий мақсад босқинчилик ва талончилик эмас, балки она-Ватан қудрати ва даҳлсизлигини таъминлаш эди. Темур даврида қад кутарган обидалар жаҳон аҳлини ҳайратга солади. Бу ҳам Ватан муҳаббатининг қудрати десак, муболага булмайди.

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда
киши,
Шод этмас эмиш кишини гурбатда
киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади
ҳеч,
Гурбатда севинмас эмиш албатта
киши.

Мирза Бобур қалбидан нидо булиб отилиб чиққан бу мисралар Ватан муҳаббатининг армонли таърифидир. Европаликларнинг талқини бўйича «Буюк агуллар империяси» деб аталувчи улуг салтанатни тузган буюк зот Бобур умр

Хурматли ёш газетхон дўстларим! Таҳририятимиз қошида «Учкун» деб алатувчи ижодкор ёшлар клуби ишлаб турганидан хабарингиз бор. Адабиёт ихлосмандлари ва ёш қаламкашларни бирлаштирадиган бу тўғрак қадимдан мавжуд бўлиб, уни илгари катта шоирларимиз бошқаришган. Кейинчалик маълум сабабларга кўра, у ўз машғулотларини тўхтатиб қўйган эди. Ҳозир, мана худого шукр, яна иш бошлади. «Учкун»га асосан тошкентлик мактаб ўқувчилари, ҳунар таълими билим юртларида, лицейларда таълим олаётган назм ва наср ишқибозлари қатнашмоқдалар. Вилоятлардаги ёш қаламкашлар эса, сиртқи клуб аъзолари бўлишлари мумкин. Бунинг учун манзиллари, ўқитган мактаб ва синфларини кўрсатиб икки энлик хат ва ижодларидан намуна юборсалар кифоя.

«Учкун» қатнашчиси Дилнозага мактабдан «Ватан — муқаддас саждагоҳ» мавзусида иншо ёзишни айтган экан. У бу ишни жуда ихлос билан бажарибди, ўқитувчиси унга «5» баҳо қўйибди. Биз ҳам иншони ўқиб чиқиб, уни таҳрирсиз, ҳеч қаерига қалам теккизмасдан, эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик. Қани, ўқиб кўринг-чи, балки сизда ҳам шунга ўхшаш мулоҳаза туйлар...

Наримон ОРИФЖОНОВ,
«Учкун» ижодкор ёшлар клуби раҳбари.

ВАТАН — МУҚАДДАС САЖДАГОҲ

(ИНШО)



буйи узга элди Ватанини саждагоҳ билиб, юрт соғинчи билан яшади. Ватан муҳаббати уни бир зум ҳам тарк этмади.

Уз юртининг гуллаб-яшнаганини кўриш ҳар бир ватанпарварнинг асосий ва азалий орзусидир. Бу орзуга етолмасдан жуда кўп юртдошларимизнинг кўзлари очик кетди. Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чулпон, Элбек каби инсонлар Ватанга муҳаббатнинг маънавий сарчашмаларидир.

Яқин утмишда халқимиз қанчадан-қанча синовлардан утди. Қатагонлар, турғунлик йиллари, «қолоқ колония» дея камситишлар, «пахта иши» каби алам буронлари қанчадан-қанча юртдошларимиз умрига завол булди.

Эртадан кечгача тик куёш тагида, пахта даласида тер туккан, эмизикли болалари була туриб эгатлардан кун буйи чиқа олмаган аёлларимиз, пахтага сепилаётган захарли дорилар тагида «бу қизик манзара»ни томоша қилаётган болаларимизнинг бошларига не-не кунлар тушмади.

Фаргона фожиаси эса халқнинг тоталитар тузумга қарши нафрати эди. Лекин она элимиз бу қаро кишанларни узиб ташлади. Шу дамларда Рамз Бобо-жоннинг ушбу мисралари ёдимга тушди:

Сен менинг ҳамдардим ҳаминша
Эзгу тилагимни сенга ҳамдам
айтаман.

У дунёга бир кун кетганимда ҳам
Қайтар бўлсам, фақат сенга
қайтаман.

1991 йил, 31 август. Бу кун юртимизнинг тарихида учмас из қолдирди. Бу кун Ватанимиз мустақил булган муборак кундир. Бу кун йиллар мобайнида озодликни кўра олмай шахид кетган аждодларимиз қалбларидан жой олиб ер қаърида ётган Ватан муҳаббати бир вулқон сингари отилиб чиқиб, бизнинг диллардан жой олган муқаддас санадир.

Маълумки, юртида озодлик ҳукм сурган инсон озод булади. У ўз фикри, ўз ақлига монанд иш куради. Мустақиллик шарофати билан биз йиллар мобайнида беркитилиб, камситилиб келган тарихимизни қайта урганиш имкониятига эга булдик.

Президентимиз И. А. Каримов айтганидек, уз аждодларимиз ва утмишимиздан фахрланиш туйғусига эга булмас эканмиз, буюк келажак кўра олмаймиз. Ҳур Ватанимнинг равнақи учун курашиш йулида айтилган озод ва тўғри фикрларнинг ҳар бири катта қийматга эгадир.

Ватаним озод инсон ҳур инсондир. Узининг тафаккури ва онги билан Ватан ривожига ҳисса қўшиши даркор. Муқанна, Жалолддин Мангуберди, Дукчи Эшон каби Ватан учун курашган инсонларнинг руҳлари шод булиши учун биз, бугунги авлод чинакам озодлигимизни англаб, унинг қадрига етишимиз, юртимизни жаҳонда бошқа мам-

лакатлар қаторида тула ҳақли аъзо сифатида куриш учун курашишимиз керак. Зеро, инсон озод, эркин қуш каби булиши учун энг аввало унинг Ватани озод булиши даркор.

«Халқ сузи» газетасида қуйидаги сатрларга дуч келасиз: «Утган 5 йил мобайнида биз не-не буюк зотларнинг во-рислари эканлигимизни англадик, таъбир жоиз булса, ҳақиқий Ватанимизни англадик. Имом Бухорий, Нақшбанд, Ат-Термизий, Амир Темур, Улугбек, Бобур каби буюк бобокалонларимиз билан фахрланиш бахтига муяссар булдик. Ватанимиз, унинг битмас-туганмас бойликлари узимизники булди. Бу эса Ватанга муҳаббат туйғусини янада оширди».

Ҳа! Энди эса биз ҳақиқий демократик давлат барпо этиш йулида олга бормоқдамиз. Албатта, бозор иқтисодиғи утиш даврида қатор қийинчиликларга дуч келишимиз табиий ҳолдир. Шу дамларда: «Озод Ватан менга нима берди? Олдин мана бу нарсаси арзонроқ эди, ҳаёт қийинлашиб кетди...» деган фикрларга дуч келиб қоласан киши. Бундай фикр эгаларига: «Овқат ейиш учун яшаш эмас, балки яшаш учун овқатланиш керак», — деб жавоб бериш билан кифояландик. Фикримча: «Ватандан нима кўрдим?» — деб эмас, балки: «Мен Ватанга нима бердим?!» — дея савол бериш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳар бир юртдошимиз узига шу саволни берса ва унга жавоб излаб яшаса, Ватанимиз кучига куч, қудратига қудрат қўшилаверади.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг VI сессиясида Ислам Каримов утган давр мобайнида ислохотлар, янгиланиш, тараққиёт дастурини жорий этиш бўйича катта ишлар қилинганини таъкидлади. Президентимиз айтганидек, 5 йил мобайнида истиқлол биз учун тараққиётнинг бугунлай янги, кенг уфқларини очди. Ҳаётимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга умумэтироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб куришдек ноёб тарихий имкониятга эга булдик, утмиш ва бугунги кунимизни тўғри, холисона баҳолай олдик, утмиш даврининг қийинчиликларига оқилона ечимлар топдик.

Ўзбекистондан «Буюк Ипак йули» чорраҳалари утади. Азалдан юртимиздан жаҳоннинг турли мамлакатларидан бойлик ва маънавият элтувчи йуллар утади. Бугунги кунда ҳам бир мамлакат бошқа мамлакатлар билан иқтисодий, маънавий ҳамкорликни йулга қўймай ривожлана олмайди. Мамлакатимизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий сармоялар ҳажми ортди. Асака қалдирғочларининг илк парвози, «Совпластитал» узбек-италиян қўшма корхонасининг нафис буюмлари бунинг эркин далилидир.

Бугунги кунда ҳар бир юртдошларимизнинг азалий орзуси биз ҳозир барпо этаётган буюк давлатнинг нури келажagini куришдир. Ватанимиз келажакда жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қаторида кургим келади. Юртимда етишиб чиққан янги Навоийлар, Улугбеклару Қодирийлар билан суҳбат кургим, Нодирабегим, Увайсийларни кургим, XXI аср Синолари-ю Берунийлари билан яна ва яна фахрлангим келади!

ВАТАН! Сен ҳақингда озгина булса ҳам мушоҳада қилдим сенга булган муҳаббатим янада ортди. Сен менинг саждагоҳимсан, Каъбам, қалбим курирдисан. Сенинг ҳар бир нарсанг мен учун муқаддас, узга юртдаги сийму-зардан она еримни эъзозлаб яшаганим учун Оллоҳга шукроқалар айтаман.

Мусофир подшоҳдан гадолик улуг,
Эъзозлай саройдан, отам лой томин.
Саждагоҳ қаерда? Саждагоҳ Ватан!
Киндик қоним тўқилган шу она
замин!

Дилноза ЁҚУБОВА,
Тошкент шаҳар, Акмал Икромов
туманидаги 4-ўрта мактабнинг
11-«Б» синф ўқувчиси.



ҚУВНОҚ МАНАҚАДОҚУСДА

Яқинда бир суд ишида қатнашишимга тугри келиб қолди. Қаранги, айбдорлардан бири мени танир экан. Куринишидан ёшни тезгина аниқлаб булмайдиган бу одамга қараб туриб, йигирма беш йил муқаддам булиб утган бир воқеани эсладим.

«Ленин учқуни»да «Шанба фельетони» деган рукн буларди. Биз ходимлар дам олиш кунлари саргузашт излаб дуч келган томонларга кетар, ажойиб-ғаройиб воқеа-ҳодисаларни топиб келардик. Буни биз «ов» деб ҳам атардик. Бир куни ёзувчи ва шоир Сафар Барноев иккимиз шунақа «ов»га чиқдик. Тушган автобуси-

Биз сабр-тоқат билан чангнинг қачон «якан» булишини кута бошладик. Сирғалининг йули серқатнов эди. Қасрадир, хов ичкарида зилзиладан зарар курганлар учун бир-икки қаватли ёғоч уйлар қуриларди. Шунгами, юк машиналари тез-тез қатнарди.


Бир пайт катта ағдарма машиналардан бири болалар супа қилиб олган катта тол тагига келиб тухтади. Кабинадан қулининг билакларига турли-туман, ҳанжару аждарлар расми (татуировка) чизиб ташланган, ярим яланғоч ҳайдовчи тушди. Болаларнинг бирини бошига, бирини елкасига шапатлаб куришгандек булди. «Тайерми?» дея

дан бери келмас эканмизу ҳаётда бунақа ҳодисалар руй бераётганидан беҳабар эканмиз. Эртасига уша ерга яна бордик. Кечаги воқеалар яна такрорланди.

Биз минг ҳаяжон ва минг афсуслар билан «Тол тагидаги болалар» деган фельетонни ёздик. Унда болалардан кура купроқ уларни уз ҳолига ташлаб қуйган ота-оналарни, бетийиқ пулдор кишиларни, болаларни ёмон йулларга бошлаётган оғуфурушларни танқид қилган эдик.

Ёзганларимиз босилиб чиқмади. Уни «совет тузумига ёт» деб қоралашди. «Тирноқ орасидан кир ахтарган» эмишимиз.

КЕЧАГИ «ТОЛ ТАГИДАГИ БОЛАЛАР» НИНГ БУГУНИ ҲАҚИДА ҲАЗИН ҲИКОЯ



Янаям алам қиладигани, яхшилаб жазоланганимиз булди. «Уша болаларнинг уйларига бориб, отоналарни уртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлар, «индивидуал» ишлашни ҳам урганишлар», деган топшириқ олдик.

Биз танишган болалар Тошкентнинг биқинидаги «Узғариш» деган қишлоқда истиқомат қилишарди. Дарҳақиқат у ерга бориб, райкомкомсомол орқали отоналарни туладик ва курганларимизни уларга айтиб бердик. «Сигирингизнинг елини тирсиллаб, углингиз бир боғ ут кутариб келганига маст булманг, у ёқда ҳақиқий ҳаёт мана бу», деб руйростини айтдик.

Албатта, қадамимиз уша қишлоққагина етди. Шаҳар биқинидаги хилват ерлар эса, сон-саноксиз. Дардимиз ичимизда қолди. Ҳамма нарсани оқ қилиб курсатишга мажбур эдик. Бутунгидек матбуот эркинлиги йуқ эди.

... Мен эса уша бундан йигирма беш йиллар муқаддам хаспушланган иллатнинг аччиқ мевасини куриб турардим. Судланаётган наша чекувчи танишим ушанда ун бир ёшда эди. Уттиз олтига кирибди. Бу жирканч одатнинг болалигидан қонига кирган, уни абгор қилган эди. Куриниши эса эллик олти ёшга ухшарди.

Мен бугун ҳаётимизда учраётган иллатларнинг илдизини яқин утмишдалигини курар эканман, баъзи болаларимиз шу кунларда ёмонлар таъсирига тушиб қолмаяптиларми, ота-оналар, мактаб, жамоатчилик, барчамиз хушёримизми, деган саволни берман. Ва ҳар биримиз шу саволга жавоб топмагунча хотиржам булмасликка чақираман.

Эркин МАЛИКОВ.

миз Сирғали деган ерга олиб бориб ташлади. Биз етиб келган ер шопипоя, қамишзор, бедаялардан иборат очик майдонлар эди. Энг муҳими, болалар куп эди бу ерда. Ёзги таътил булгани учун эртадан кечгача сигир-қуй боқишаркан.

Жомакорларимиз оддий, камхашам булгани учунми бир зумда болаларга қушилиб кетдик. Улар бизни шу яқин уртада ишлаб юрган корандалар урнида қабул қилишди.

Диққат қилсак, купчилиги турли-туман ишлар билан машғул эди. Кичкинтойлар мол боқишар, сал дадилроқлари шаҳардан бу ерга дам олишга чиққанларнинг машиналарини куриқлашар, яна бир гуруҳи алақандай бутадан чанг йиғишарди. Сураб-суриштирсак, бута деганимиз — наша усумлиги экан. Улар ёввойи ҳолда усар, ниҳоятда бадбуй, чангини қозоғга қоққанда ёнида туриб булмасди. Лекин болалар бунга урганиб қилишганими, бепарво эдилар.

— Нима қиласизлар? — қизиқиб сурадик.

— Сотамиз, «якан» булади, — дейишди.

уларнинг каттароғига маъноли қаради. Бола «Аввал яканини чуз» дегандек муғомбирона иршайди. Шофёр пул чиқарди. Савдолашиш бошланди.

— Ахир мен ургатдим-ку сенларга, қанақа йиғиш кераклигини, шундай булгач, менга арзон беришларинг керак, — дерди уз гапини маъқуллаб шофёр. — Ҳатто текин булиши керак, ҳа.

Савдо пишгач, бадбашара ҳайдовчи жунаб кетди. Бир оздан кейин дам олишга чиққанларнинг машинасини, куриқлаб утирган болалар турли егуликлар, шиша тагида қолган ичимликларни кутариб келиб қолишди. Зум утмай тол тагидаги масканда ҳам узига хос базми жамшид бошланди. Утирганлар орасида олти-етти ёшлардан тортиб, уининчи синф уқувчиларигача бор эди. Биз ушанда Сафар икковимиз уттиз ёшлар атрофида эдик. Аммо зилзиладан сунг шаҳарни қайта тиклаш баҳонасида келиб қолган бетайин кишилар таъсиридан бу болакайларни қандай химоя қилишга ожиздек эдик. Куз олдимизда болалар чекишар, ичишар, эртақлардаги сеҳрланган пакана одамларга ухшашарди.

Биз езда болалар оромгоҳлари-



«Амир Темур ҳақида 10 савол» викторинасининг 4-тур саволлари

1. «Темур тузуклари» асаридан ташқари соҳибқирон ҳаёти ҳақида унинг тилидан ёзилган иккинчи бир тарихий манбанинг номи нима?
2. Темурий маликаларидан бири Бибиҳонимнинг асл исми нима эди? Бибиҳоним нима дегани?
3. Соҳибқироннинг учта машҳур пирлари номларини келтиринг.
4. Машҳур шоир, давлат арбоби, саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурга нечанчи авлод саналади?
5. «Темур тузуклари» асари узбек тилидан ташқари дунёнинг яна қайси тилларида нашр этилган?
6. Пойтахтимиз марказида Темурга урнатилган ҳайкалнинг муаллифлари ким?
7. Шу йил апрель ойида Парижда булиб утган соҳибқирон таваллуди кунинда Президентимиз Амир Темур тарихига оид излавишлари учун қайси олимни қандай медал билан мукофотлади?
8. «Амир Темур» ҳужжатли-бадий романининг муаллифи ким?
9. Тошкентдаги Амир Темур номи куча шаҳарнинг қайси туманида жойлашган?
10. Амир Темурнинг қуйидаги ҳикматли сузларини давом эттиринг: «Филнинг думи булгунча.....»

ВИКТОРИНАНИНГ 3-ТУР ЖАВОБЛАРИ

1. Амир Темур Моварауннахр маркази этиб Самарқандни танлаган.
 2. Соҳибқирон 22 ёшида биринчи булиб сиёсатга аралашади.
 3. Темур 1370 йили Моварауннахр ва Хуросоннинг ягона ҳокимига айланган.
 4. 1380 йил соҳибқирон Шаҳрисабзда Оқсаройни барпо эттирган.
 5. Ривоят қилишларича Амир Темур тутилган пайтда тоғлар титраб, кучли гумбурлаш садолари эшитилган. Осмон чақмоқлар чақнашидан ларзага келган.
 6. Улжаой Туркуннинг асли исми Камолой. У эркаклар либосида отга миниб жанларда иштирок этган. Жанглardan улжалар билан қайтгани учун Улжаой Туркон деган ном олган.
 7. Амир Темурнинг туртга угли булган. Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шохруҳ Мирзо.
 8. Амир Темур турк султони Боязид Йилдирим устидан 1402 йил Анкарада ғалаба қозонган.
 9. «Темур тузуклари» асари яна «Тузуки Темурий», «Малфузоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») «Вақиоти Темурий» деб номланган.
 10. «Ботир жангда билинар, доно машваратда».
- Ушбу жавобларни Тошкент шаҳридан Чорйёр Гуртқилчев, Бухоро вилояти, Ёғдудов туманидаги 3 - мактабдан Озодахон Холова кабилар ёзиб юборишган.

ИСМИМДАН УЯЛАМАН

Менинг исмиим Ҳошимжон. Ойимнинг айтишича, дадамнинг боболарини исми Ҳошимжон булган экан. Уқимишли, зиёли, меҳрибон ва дилкаш инсон булганликлари учун «шуларга ухшаб юрсин» дея ният қилиб исмиимни Ҳошимжон деб аташган экан. Бу яхши албатта. Лекин болаларнинг масҳаралаб чақиритилари чатоқда. Икки бола бир-бирлари билан келишолмай қолишса тамом, исмиим уз-узидан оғизларига келиб қолади: «Нима, Ҳошимжон-ов...» деб юборишади. Бу улар учун оддий гап. Лекин менга қанчалик оғир ботишини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди.

Бир куни уйга хафа қайтдим:

«Ойижон, нима учун бобомнинг исмларини ака ва укаларимдан бирортасига эмас, айнан менга қуйгансизлар. Уртоқларим масҳара қилишяпти, исмиимдан уялам» дедим. Ойим эса: «Уртоқларингнинг гапига парво қилма, бир кун ақллари кириб қолар. Бобонга ухшаб юргин, дея ният қилгандик, уларга муносиб назира буляпсан, уқишларинг аъло, устозларинг ҳам сендан миннатдор. Мен шундан хурсандман болам» дедилар. Сизнинг фикрингиз қандай, азиз тенгдошлар?

Ҳошимжон ИБОДИНОВ,
Фаргона вилояти,
Тошлоқ тумани.

ОПАМДАН ХАФА БУЛДИМ

Мактабдан келдим ушунга тапил кийимларимни алмаштириб, кучага отилдим. Шаҳноза опам: «Кийимларингни келтириб бер, ювиб қуяй» десалар ҳам кулоқ солмадим. Уртоқларим кутиб қолишмасин дегандимда. Кейин нима булди, дейсизми? Кейин ҳаммаси расво булди. Опам чунтагимдан сигаретамни топиб олибдилар. Олтин топган одамдек дарров ойимга, дадамга курсатибдилар. Ҳеч гапдан беҳабар уйга қайтдим. Дадам жигибийрон, ойим хафалар, Шаҳноза опам эса менга хумрайиб қараб турарди. Дадамдан обдон дакки эшитдим, бир-икки тарсаки ҳам тушиб қолди. Ойим эса мен билан умуман гаплашмай қуйдилар. Мен эса Шаҳноза опамдан хафа булдим. Бир гал «сотқинлик» қилмай, айтмай қуя қолса буларди-ку.

Шохруҳ КУРБОНОВ,
Тошкент шаҳри.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАҲИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г -0578. 7691 нусxada босилди. Қозғоз бичими — А-3. Босишга топширини вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Руйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25